Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

2022-yil 13-iyul, chorshanba,
80 (23.647)-son

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz



### КУН ҲИКМАТИ

Биз ишонч билан суянадиган иккита мустаҳкам устун бор: ақл ва виждон. Уларга суянган киши бировга қарам бўлмайди. Бировга виждон берилмайди, аммо бировнинг ақли билан юришга мажбур бўлинади.

## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

**Халқимиз орасида "снос" деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор.**

**Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим.**

**Яъни, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак.**

**Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шарт.**

**Уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши даркор.**



## ЭЪТИБОРГА ТУШГАН БИЛИМДОНЛАР

**Ёшлар куни муносабати билан Президентимиз "Янги Ўзбекистон" боғида ташкил этилган тадбирда иштирок этди. Давлатимиз раҳбари "Заковат" павильонида бўлиб, клуб билимдонлари, маҳаллалар ўртасидаги интеллектуал турнир ғолиби бўлган вилоятимизнинг Пайариқ тумани Сорисув маҳалласи жамоаси билан учрашди.**

- Ўтган йил Бухорода ўтказилган "Заковат" интеллектуал ўйинининг финалида Президентимиз билан илк бор учрашгандим, - дейди Сорисув маҳалласи жамоаси сардори Баҳодир Аноров. – Лекин ўшанда у киши билан суҳбатлашишнинг имкони бўлмаганди. Не бахтки, бу йил нафақат мен, балки жамоамиз аъзолари ҳам бунга мушарраф бўлди. Президентимиз боғга келганларида жамоамиз "Заковат" турнирининг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритгани ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбарининг хурсанд бўлиб, "Сиз каби билимдон, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар юртимиз таянчи, келажагимиз эртаси, сиз билан доим фахрланаман, билим олишларинг учун ҳамма шароитни яратиб бераман", деган гапларидан барчамиз севиниб, тўлқинланиб кетдик. Албатта, мен ҳам жамоа сардори сифатида бундай эътибор ва яратилаётган имкониятлар учун маҳалламиз ёшлари номидан миннатдорлик билдириб, келгусида бундан-да юқори марраларни забт этишимизга ваъда бердим. Шунингдек, маҳалламиздаги 84-мактабда инглиз тилидан дарс беришимни, "Заковат" клуби аъзоси эканлигимни ва жамоамиз билан маҳалла ўқувчилари орасидан билимлиларини саралаб, интеллектуал жамоалар шакллантираётганимизни айтдим. Президентимиз гапларимдан хурсанд бўлиб, ишларимизга ривож тиладилар ва Самарқандда ҳоким бўлиб ишлаган йилларида ушбу мактабнинг томини таъмирлатиб берганларини, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашганларини эсладилар. Давлатимиз раҳбари билан учрашувдаги самимий суҳбат бир умр ёдимизда қоладиган бўлди.

Президентимиз таклифи билан маҳаллалар ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ташкил этилган мусобақалар, интеллектуал ўйинлар ва кўрик-танловлар энди ҳар йили икки марта ўтказилади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятида тажриба сифатида "Заковат" мактаблари очишни ва кейинчалик буни вилоятларда ташкил этишни таклиф қилгани ёшларга яна бир имконият эшикларини очди.

- Аввало, бу мусобақаларнинг ташкил этилиши маҳалламиз ёшларининг билими, истеъдоди рўёбга чиқишида катта омил бўлди, - дейди Сорисув маҳалласи "Заковат" клуби аъзоси Шероз Рашидов. – Дастлабки ўйинлар кўтаринки руҳда ўтди. Ҳар бир турда эришган ғалабамиз бизни фақат олға боришга ундади. Албатта, кучли жамоалар билан ҳам беллашдик, аммо ўзимизга бўлган ишонч ғалаба сари етаклади. Қувонарлиси, Президентимиз билан учрашганимиз бўлди. Тўғриси, бу учрашув орзу қилиш мумкин бўлган бахт. Ҳалигача қалбимизда ҳаяжон бор.

**Ф.РЎЗИБОЕВ.**



## ҚУРБОН ҲАЙИТИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



**9 июль куни юртимизда Қурбон ҳайити байрам сифатида кенг нишонланди. Шу куни эрта тонгда вилоятимиздаги 278 та масжидда ҳайит намози ўқилди.**

Самарқанд шаҳридаги "Намозгоҳ" жоме масжиди ҳам мўъмин-мусулмонлар билан гавжум бўлди. Ҳайит намози адо этилиши олдидан диний-маърифий маърузалар қилинди. Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этиб, барча самарқандликларни Қурбон ҳайити билан табриклади.

Бу муборак кунларда ҳаж амалини адо этиш мақсадида Саудия Арабистонида бўлиб турган 800 нафарга яқин самарқандликлар юртдошларимизни қутлаб, халқимиз фаровонлиги ва тинчлигини сўраб дуо қилдилар.

Байрам кунларида маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

### ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:**

Ўзини четкага олган одам ҳеч нарсага жавоб бермайди, зиммасида ҳеч қандай масъулият йўқ. Нега шундай десангиз, бамайлихотир: "Ҳа энди биз – бир чеккада турган одам бўлсак. Ана, бошқалар бор-ку", дейишади.

Кун мавзуси

## Вилоятимиздаги олийгоҳлар қанча талаба қабул қилади?

**2022–2023 ўқув йили учун олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги шакли бўйича қабул квоталари тасдиқланди. Унга кўра:**

**Самарқанд давлат университетига** жами 2505 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Шундан университетнинг Самарқанд шаҳридаги асосий олий таълим муассасасига 1320 нафар (440 давлат гранти, 880 тўлов-контракт асосида);

**Муҳандислик физикаси институтига** – 160 нафар (45 давлат гранти, 115 тўлов-контракт);

**Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтига** – 225 нафар (75 давлат гранти, 150 тўлов-контракт асосида);

**Каттақўрғон филиалига** – 400 нафар (110 давлат гранти, 290 тўлов-контракт асосида);

**Ургут филиалига** – 400 нафар (95 давлат гранти, 350 тўлов-контракт асосида);

**Ўзбекистон-Финляндия педагогика инситутига** – 1450 нафар (380 давлат гранти, 1070 тўлов-контракт асосида) талаба ўқишга қабул қилинади.

Бу йил Самарқанд давлат университетида муҳандислик физикаси институти, агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти ҳамда Ургут филиали очилмоқда.

**Самарқанд давлат чет тиллар институтига** – 2025 нафар (490 давлат гранти, 1535 тўлов-контракт асосида) талаба қабул қилинади. Шундан 150 та квота, яъни 75 тадан Нарпай ва Пайариқ хорижий тиллар факультетига ажратилган. Эслатиб ўтамиз, ушбу факультетлар ўтган ўқув йилида очилганди.

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига** – 1000 та квота (85 давлат гранти, 915 тўлов-контракт асосида);

**Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига** – 1395 та квота (535 давлат гранти, 860 тўлов-контракт асосида);

**Самарқанд давлат тиббиёт университетига** – 1100 та квота (420 давлат гранти, 680 тўлов-контракт асосида);

**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига** – 1760 та квота (370 давлат гранти, 1390 тўлов-контракт асосида);

**Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига** – 515 та квота (130 давлат гранти, 385 тўлов-контракт асосида);

**"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети** – 350 та квота (82 давлат гранти, 268 тўлов-контракт асосида);

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалига** – 400 та квота (50 давлат гранти, 350 тўлов-контракт асосида);

**Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалига** – 600 та квота (170 давлат гранти, 430 тўлов-контракт асосида) ажратилган.

Ушбу олий таълим муассасаларида янги ўқув йилидан янги йўналишлар ҳам очилиши кўзда тутилмоқда. Масалан, Самарқанд давлат тиббиёт университетида янги ўқув йилидан олий ҳамширалик иши йўналишига 25 квота ажратилган. Ушбу йўналиш ўтган ўқув йилида ёпилганди. ТДАУ Самарқанд филиалига бу йил доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси йўналиши очилмоқда, унга 25 нафар талаба ўқишга қабул қилинади.

## Самарқанд қишки Олимпия ва Паралимпия спорт турларига ихтисослаштирилади

**Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июлдаги "2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, ҳудудларда қишки Олимпия ва Паралимпия спорт турлари ривожлантирилади.**

Қарорга мувофиқ, Самарқанд шаҳри фигурали учиш, хоккей, шорт-трек, кёрлинг, парахоккей, паракёрлинг спорт турларига ихтисослаштирилади. Шунингдек, қишки Олимпия ва Паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида спорт федерация (ассоциация)лари бўлимлари ташкил этилиб, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Шу билан бирга, вилоятда қишки спорт турлари бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан спорт базалари қурилади, мавжудлари қайта таъмирланиб, спорт жиҳозлари билан таъминланади. Бундан ташқари, нодавлат спорт-таълим муассасалари ташкил этилиб, фаолияти қўллаб-қувватланади.

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида 1850 ўринга мўлжалланган "Муз саройи" ("Family park") фаолият юритмоқда. Қишки спорт турларини ривожлантириш мақсадида маҳаллий тренерлар ҳамда Россиядан 2 нафар мутахассис жалб қилинди. Айни пайтда "Муз саройи"да 200 нафардан зиёд спортчи қишки спорт турлари билан оммавий тарзда шуғулланмоқда.

**Аҳрор ШАМСИЕВ,**
**вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси Олимпия ва Паралимпия спорт турларини ривожлантириш бўлими бошлиғи.**



## НУКУСни БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир вилоятга Қорақалпоғистон Республикасидаги туманлар бириктирилиб, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий хизматлар сифатини ошириш дастурлари белгилаб берилганди.**

Хусусан, вилоятимизга Нукус тумани бириктирилиб, у ерда аҳолини иш билан таъминлаш, тиббий, ижтимоий хизматларни яхшилаш, қурилиш-бунёдкорлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, янги корхоналарни ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш мақсадида 898,5 миллиард сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Биргина маданий-маърифий соҳада 13,3 миллиард сўм маблағ ҳисобидан Ақманғит, Бақаншақли, Арбаши, Тўктов, Кердер маҳаллалари учун янги маҳалла маркази биноси, кутубхона, касб-ҳунарга ўқитиш маркази, таъмирталаб маданият уйи ўрнида янги бино қуриш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолини спортга жалб қилиш учун мини стадион, 10 та маҳаллада WORK OUT майдончаси ташкил этилди.

*(Давоми 2-саҳифада)* »»

**Муносабат**

**Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.**
**Бу – давлатимиз раҳбарининг яқинда мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида қайд этилди.**



# ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭРТАСИНИ ЎЙЛАБ

Аслида, Президентимиз бу фикрларни кўп айтади, қаердаки, оммавий ахборот воситалари, очиқлик ҳақида гап кетса, соҳа вакилларини фаол бўлишга даъват этади, доим бизни қўллаб-қувватлашини, ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинишини таъкидлайди. Бу гаплар мавриди келгани ёки руҳлантириш учун айтилган фикрлар эмаслигини фаолиятимиз давомида кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг бу йилги касб байрамимиз арафасида қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ҳаётида чиндан ҳам жуда катта ўзгариш ва янгиликларга асос бўлди. Қарорда ҳамкасбларимизни кўпдан буён ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган кўп масалаларга ечим топиб берилди, тилимиз ва дилимиздаги муаммолар ҳал этилди.

Аввало, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб 2025 йил 1 июлга қадар оммавий ахборот воситалари фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлашга ўтиши, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қоғоз божхона божидан озод этилиши таҳририятларнинг иқтисодий имкониятлари ошишига асос бўлди.

Соҳа вакиллари яхши билади, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари йилни фойда билан якунлаши қийин ва шундай бўлганда ҳам бунга сарф-харажатларни қисқартириш, маош ва рағбатлантириш фондидан тежаб-тергаб фойдаланиш орқали эришилади. Шунда ҳам бу фойдадан таҳририят моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ускуна ва техник жиҳозлар харид қилишда фойдаланиш кўзда тутилади.

Энди ана шу масалада бироз имкониятларимиз кенгайди.

Даврий босма нашрлар ва китоб маҳсулотларининг ҳозиргача амалда бўлган ва келгуси йилдан бекор қилинаётган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга бепул тарзда бериладиган мажбурий нусхалари харажати охир-оқибат газета ва журналлар обунаси ҳамда китоблар тан нархига қўшилади. Мажбурий нусха ҳисобланган юзтадан ортиқ газета, журнал, олтмишдан кўпроқ китобнинг пули арзимас маблағ эмас, ҳарҳолда. Энди мажбурий нусхалар учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади – оқилона ечим.

Қарорнинг энг муҳим томонларидан яна бири эндиликда бюджет ташкилотларига "кутубхона фонди" харажат моддаси орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилди. Кейинги пайтда "мажбурий обунага йўл қўйилмайди", деган гап билан кўплаб ташкилотлар, жумладан, бюджет ташкилотлари даврий нашрларга обуна бўлмаётган эди. Айниқса, таълим муассасаларига обуна учун маблағ ажратилмаслиги зиёли педагогларимизнинг газета-журнал ўқимай қўйишига олиб келаётганди. Ўқитувчи газета ўқимаганидан кейин ўқувчилардан нима кутиш мумкин? Шундай ҳолатлар бўлдики, катта-катта мактабларда ҳатто, бир дона бўлсин, болаларга мўжалланган газета, журнал топилмади. Бундай мактаблар ҳозир ҳам жуда кўп.

Айрим раҳбарлар, масъулларнинг "ахборотни интернет орқали олиш мумкин, босма нашрларга эҳтиёж йўқ", деган калта ўйланган фикрлари сабаб мана шундай ҳолатлар юзага келаётганди. Энди бунга барҳам берилар.

Албатта, босма нашрлар таҳририятлари, матбаа корхоналари ҳам бугунги давр талабига мос фаолият кўрсатиши, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиши, нашрларнинг ҳар бир обуначига ўз вақтида етиб боришига эришиши керак. Айни мақсад учун қарорда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига масофадан туриб обуна бўлиш ва уларнинг буюртмачигача ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб бориш имконини берадиган "Обуна" ягона электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини яратиш белгилангани ҳамкасбларимизнинг кўнглидаги гап бўлди.

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан "Обуна" ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг 10 фоиз, болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар обуна нархининг 20 фоиз миқдори Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида қайтарилади ("Cashback").

Бундан ташқари, ҳар бир даврий босма нашрнинг замонавий электрон шакли, шу жумладан, мобиль иловаларини яратиш учун давлат бюджетидан ҳамда муассис бўлган тегишли ташкилотлар томонидан маблағ ажратилиши белгиланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини, шу жумладан, уларнинг мобиль иловаларини яратиш ҳамда модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш учун 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа бўйича танлов эълон қилинади. Бунда ҳар бир лойиҳа учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади.

Умуман, қарордаги мазкур янги тартиблар билан таҳририятлар ва муассислар ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритилди, вазифалар аниқ белгилаб берилди. Ҳар бир вилоятдаги Матбуот уйларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан бугунги кун талабларига мос ҳолатда таъмирлаш ва жиҳозлаш белгиланди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан вилоят Матбуот уйини 2023 йил май ойига қадар вилоят бюджет маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, иқтисодий имкониятлари кенгайиши, ижодий муҳитга ижобий таъсир қилиши, ходимларнинг самарали фаолият олиб боришига туртки бериши табиий. Лекин бу билан чекланмаган ҳолда, қарорда фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган 100 тагача энг яхши материал учун муаллифлар пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланди. Бунинг учун давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танловлар ўтказилади.

Келгуси йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловда бош миллий мукофот сифатида автомобиль берилади. Танловнинг мукофот жамғармаси ҳам анчагина кўпайтирилди.

Қарорда журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича белгиланган вазифалар, чора-тадбирлар ҳам бугунги кун талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганки, бу яқин йилларда ўз натижасини беради, албатта. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Миллий медиа ассоциациясининг қўллаб-қувватланиши, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит, иқтисодий имкониятлар яратилиши, ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши ҳам соҳа тараққиётига хизмат қилади.

Шу ва бошқа янгилик, ўзгаришлар ифодаланган 2022–2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Эътиборли томони, ушбу дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилди. Демак, қарорда белгиланган вазифалар, мақсадлар қоғозда қолмайди, амалга ошади.

**Ғолиб ҲАСАНОВ.**

# НУКУСни БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

- 102,5 миллиард сўм маблағ эвазига "Имам Эшан" масжидини капитал таъмирлаш, 6,5 гектар майдонда хотира хиёбони барпо этиш, деҳқон бозори билан бирга, замонавий йирик савдо мажмуаси қуриш ва туман марказидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш ишлари давом этмоқда, - дейди вилоят штаби вакили Ҳусан Шерматов. - Туман марказидаги мавжуд 4 та икки қаватли уйнинг том қисми, 5 километр ички йўл таъмирланмоқда ва атрофи ободонлаштирилмоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 3 та сув насоси ўрнатиш, электр таъминотини яхшилаш учун 10 та трансформаторни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш объектларидаги шароитни яхшилаш учун 1,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан умумтаълим мактабларида ортиқча юкламани камайтириш учун Бақаншақли маҳалласидаги 2 ва 15-мактабда қўшимча бино қурилмоқда. Тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида туман марказий шифохонасига 3 та тез тиббий ёрдам машинаси харид қилинди.

- Вилоятимиздаги ўндан ортиқ малакали врачлар иштирокида Нукус тумани аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди, - дейди Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳмаджон Бобожонов. – Кўрик давомида жами 322 фуқаро, 48 нафар уйда ётоқда қолган фуқаролар тиббий кўрикдан, 19 та юқори технологик операция ўтказилди. Рўйхатда турган 42 нафар фуқаро тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, 3 та кардиожарроҳлик, 6 та офтальмологик, 1 та травматологик, 1 та нейрохирургик, 2 та хирургик касалликлар бўйича юқори технологик операциялар амалга оширилди. Шунингдек, қўшимча 280 бемор тиббий кўрикдан ўтказилиб, уйида ётиб қолган 48 нафар беморда жарроҳлик амалиёти бажарилди. 42 нафар эҳтиёжманд ва бемор фуқаро Самарқанд шаҳрида даволанди.



Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 100 нафар фарзанди Ургут туманидаги "Чорчинор" оромгоҳида соғломлаштирилди. Кам таъминланган 8 оиланинг уй-жойи таъмирланмоқда, 300 хонадонга 10 мингдан ортиқ мевали дарахт кўчати берилди, 250 хонадонда иссиқхоналар ташкил этилди. Оилалар даромадини ошириш ва бандликни таъминлаш учун 200 хонадонга 6 минг бош парранда ва 3 та маҳаллага 10 та инкубатор, 20 та хонадонга 80 бош эчки тарқатилди.





Қайси ҳудуд бўлмасин, тадбиркорликни ривожлантирмасдан, ишсизликни камайтириб, аҳоли даромадини оширмасдан туриб, иқтисодий фаровонликка эришиб бўлмайди. Шу боис вилоятимиз масъуллари томонидан Нукус туманида тадбиркорликни ривожлантириш борасида 513,1 миллиард сўмлик 34 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Нукус туманининг Қиронтов овул фуқаролар йиғини Шўртанбой қўрғони аҳолиси шу кунгача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланиб келган. Вилоят ҳокимлиги томонидан қуриб битказилган янги "Ақманғит Камалак инвест" масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонасининг ишга туширилиши эса бу ерда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган дастлабки лойиҳа бўлди.

- Бу ерда қиймати 5,4 миллиард сўмлик лойиҳа асосида корхонамизнинг текстиль ва кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган филиалини ташкил этдик, - дейди корхона ижрочи директори Муроджон Абдуллаев. – Ҳозирда корхонада 100 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, кейинги босқичда 150-170 нафар аёллар доимий иш ўрнига эга бўлади. Корхонага Туркиядан мутахассисларни олиб келдик. Хомашё эса Самарқанд ва Тошкент вилоятидан келтирилмоқда. Ушбу корхонада йилига 100 минг дона болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулот ҳозирча ички бозорга, кейинчалик хорижга сотилиши режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий тараққиётнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланади. Туманда бу йўналишни ривожлантириш, даромадли соҳага айлантириш мақсадида 10,2 миллиард сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилди.

- Нукус туманида дастлаб мутахассисларимиз томонидан ўрганишлар олиб борилиб, фойдаланишдан чиққан 2176 гектар ер майдонини экин экишга мос ерга айлантириш чоралари кўрилди, - дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Содиқжон Ҳакимов. - Ҳозирда ушбу майдонларнинг 524 гектарида полиз-сабзавот, 950 гектарида озуқа, 500 гектарида дуккакли, 82 гектар майдонда мойли экинлар экилди ва 120 гектар боғ яратилди. Ирригация ва мелиорация тадбирлари доирасида 40 километр ички ариқлар, 10 километр зовур ва коллекторлар тозаланди. Сувсизликка чидамли, тез ҳосилга кирувчи юқори даромадли мева кўчатлари ўтказилди. Аҳолига деҳқончилик ва қишлоқ хўжалигида малакаси бўлмаган экин ва ўсимлик турларини етиштириш, даромад олиш бўйича кўмак берилди. Маҳсулот етиштиришнинг кўп йиллар олдинги усулидан воз кечиб, суғориш ва деҳқончиликнинг бугунги замонавий тизимлари кўрсатилди. Қардошларимиз чўл ҳудудида меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган. Қишлоқ хўжалигидаги янгиликларни тез ўзлаштирмоқда, ҳар бир янги экин, замонавий воситаларга қизиқиши баланд.

Вилоятимиз масъуллари Нукус туманини янада обод гўшага, ишлаб чиқариш ва иқтисодий барқарор ҳудудга айлантириш учун барча чораларни кўрмоқда.

**Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

## Бир рақам шарҳи

**Жорий йилнинг II чорагида вилоят давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан 9553 та тадбиркорлик субъектида "Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи" тамойили асосида ўрганиш ишлари олиб борилган.**
**Жараёнда 3788 та тадбиркорлик субъектига дастлабки бухгалтерия ҳисобини юритиш, 1222 тасига солиқ қарзи тўғрисида маълумот олиш, 262 тасига қўшилган қиймат солиғидаги 246,2 миллиард сўмлик ортиқча тўлов суммасини қайтариш, 489 тасига бошқа солиқ турларидаги 7,6 миллиард сўмлик ортиқча тўлов суммасини қайтаришда кўмаклашилган. Шунингдек, 2148 нафар тадбиркорга солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби юзасидан тушунтириш берилиб, 1 нафарига 30 миллион сўм имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилган.**

**Президент қарорига кўра**

# Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар

## комплекс ёндашув асосида кўрсатилади

**Давлатимиз раҳбарининг 29 июндаги "Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш ҳамда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат қилиш ва даромад топиши учун уларга тенг имкониятлар яратади.**

- Ушбу қарорда 2022 йил 1 июлдан маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматларни ташкил этиш тизими босқичма-босқич жорий қилиниши белгиланди ҳамда ижтимоий хизматларни жорий қилишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят штаби таркиби тузилди, - дейди Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахриёр Рафеев. – Шунингдек, маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш белгиланди.

2022 йил 1 ноябргача маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари хонадонлар аҳволи, оилаларнинг ижтимоий хизматларга эҳтиёжи, оилаларга аниқ ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича маълумотлар, мураккаб операцияларга, ногиронларнинг протез-ортопедия буюмларига эҳтиёжи бўйича буюртмалар тўғрисидаги маълумотларни ҳар 2 ҳафтада ҳудудий штабга киритади. Бу маълумотлар умумлаштирилган ҳолда 2 кунда мувофиқлаштириш штабига юборилади. Келиб тушган маълумотлар асосида 3 кунда ҳақиқатда ижтимоий хизматга эҳтиёжманд бўлган оилаларга ҳудудий штаб аъзоси томонидан манзилли ижтимоий хизмат кўрсатилиши ташкиллаштирилади.

Қарорда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва улар бандлигини таъминлаш назарда тутилган.

- 2022-2023 йилларда республика бўйича жами 827 минг 780 нафар, шундан жорий йилда 383 минг 565 нафар хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилган, - дейди Бахриёр Рафеев. - 2022 йил 1 ноябрдан республиканинг барча маҳаллаларида "Маҳаллада ижтимоий хизмат" модули орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилади.

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, ҳар бир битирувчига БҲМнинг 4 бароборидан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

Вилоятимизда ушбу қарор асосида маҳаллаларда муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш ишларини комплекс ташкил қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига "оилабай" ёндашув тизимини жорий этиш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сони ва сифатини ошириш ҳамда хотин-қизларни касбга ўқитиш йўлга қўйилади. Бошқармамиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда "Маҳаллада ижтимоий хизмат" модулининг самарали ишлашини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига янги тизим асосида ижтимоий хизмат кўрсатишни маҳалла даражасида мувофиқлаштириб боради.

Бунда меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш учун келгуси йилнинг I ярим йиллиги учун ҳар йили декабрга қадар, II ярим йиллиги учун июнь ойига қадар давлат буюртмасини шакллантириш талаб этилади. Июнь ва декабрь ойларида оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят бандлик бош бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи синф, академик лицей ва профессионал таълим муассасаларининг битирувчи курс ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириб бориши назарда тутиляпти.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**



# Мустақил таълим мустақил кадрларни тайёрлайди

**Ахборот асри меҳнат бозорига кириб келаётган кадрларга жамиятимиз ва оламдаги шиддатли ўзгаришларга ҳозиржавоб, ҳар қандай муаммога ижодий ёндашув орқали ечим топиш сингари сифатларга эга бўлиш талабини қўймоқда. Бундай салоҳиятли кадрларни тайёрлаш учун эса аввало, таълимни замонга мослаш, жараёнга илғор тажрибаларни татбиқ этиш лозим.**

"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетида янги кадрларни айни шу талаблар асосида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда халқаро тажрибаларга таянган ҳолда мустақил таълим - кредит-модуль тизимига тўлиқ ўтилган. Бу бакалаврлар таълим вақтининг 30-40 фоизини аудитория ўқув соатларига, 60-70 фоизини мустақил таълимга ажратишни назарда тутади. Анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, кредит-модуль тизимида талаба мустақил изланиши, соҳага оид манбалар, ўқув материаллари билан ишлаши керак. Бунда ўқитувчи томонидан уларга ахборотни таҳлил қилиш, саралаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион дастурлардан фойдаланиш, илмий адабиётлар билан ишлаш бўйича кўрсатма ва тавсиялар бериб борилади.

Айтиш жоизки, кузатувларимиз мазкур тизимнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг умумтаълим мактабида эгаллаган кўникмаларига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Яъни, болаликдан ахборот билан ишлаш, уни таҳлил қилишга ўрганган ёшлар кейинги таълим босқичларида ҳам маълумотларни саралаш, тез ва осонроқ ўзлаштириш имконига эга бўлади. Аммо бугун барча ҳам бундай кўникмага эга, дея олмаймиз. Тадқиқотлар талабаларнинг 72,5 фоизи мустақил таълим учун ажратилган вақтни тўғри тақсимламаслигини, 83 фоизи эса буни қандай амалга оширишни ҳам билмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса таълим учун ажратиладиган қимматли вақтнинг йўқотилишига сабаб бўлади.

Албатта, университетимизда бундай талабаларнинг зарур кўникма ҳосил қилиши учун қўшимча машғулотлар ўтказилади. Шунингдек, уларнинг мустақил таълим топшириқларини мукаммал ўзлаштириши учун ресторан, меҳмонхона, маданий мерос объектлари, туристик объектларда изланиш олиб бориши йўлга қўйилган. Ўз навбатида, бундай интеллектуал фаолият янги кадрларнинг мустақил фикрли, кенг дунёқарашли, ҳар томонлама салоҳиятли бўлиб етишишига хизмат қилади.

**Раъно ТОШНИЁЗОВА,**
**"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети туризм менежменти факультети бошлиғи.**

# Ҳадемай "Дамас"лар шаҳарга йўловчи ташимай қўяди

**Матбуот уйида вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Акобир Ашуров иштирокида анжуман бўлиб ўтди.**



Ташкилот раҳбарининг журналист ва блогерларга берган маълумотига кўра, бугунги кунда вилоятда 200 та автобус ва 195 та такси йўналишлари ҳаракатланмоқда. Шунингдек, 292 та йўналишда 525 та автобус, 2139 та "Дамас" ва бошқа микроавтобуслар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бироқ транспорт воситалари ўз сарф-харажатларини қопламаганлиги сабабли тадбиркорлар томонидан йўлга қўйилган 104 та йўналиш фаолияти тўхтаб қолган. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 21 та йўналишнинг фаолияти тўхтаган. Шаҳарлараро 34 та йўналишнинг 12 таси ишламаяпти.

- Кейинги икки йилда жамоат транспорти оғир аҳволда фаолият кўрсатган, - дейди Акобир Ашуров. – Йўловчи ташиш корхоналари томонидан 300 та автобус кредит маблағларини тўлаш мақсадида сотиб юборилган. Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳудудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, ташувлардан кўрилган зарарларнинг 30 фоизи маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қоплаб берилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида автокорхоналарнинг 128,807 миллион сўм миқдоридаги иқтисодий зарари қоплаб берилди.

Самарқанд шаҳрида транспорт жозибадорлигини ошириш мақсадида Рудакий, Гагарин, Али Қушчи, Уста Умар Жўрақулов кўчаларидаги каби 8 та чорраҳада "хавфсизлик оролчалари" ташкил этилиб, светофор, йўл белгилари ўзгартирилади. Шунингдек, 7 та марказий кўчада фақат жамоат транспорти ҳаракатланиши учун махсус йўлаклар ташкил этилади. Дастлаб Гагарин ва Ибн Сино кўчаларида бу тизим ишга тушади.

- Хитойдан 9 метр узунликдаги, суюлтирилган газ билан ҳаракатланадиган 100 та автобус келтириш масаласи ҳал бўлди, - дейди А.Ашуров. - Тадбиркорлар билан келишилган ҳолда банклар томонидан етарлича маблағ ажратилди. Тез орада шаҳар ҳудудида 40 та йўналиш қайтадан ташкил этилиб, автобус билан таъминланади. Режа бўйича уларнинг 8 таси магистраль, 33 таси боғловчи йўналишларда ҳаракатланади. Эски автобуслар эса туманлараро йўналишларга ўтказилади. Шаҳарга қатновчи 18 та йўналишдаги 500 га яқин "Дамас" русумли автомашиналарнинг лицензияси тўхтатилади.

Матбуот анжуманида Самарқанд шаҳрига кирувчи тўртта йўналишда автошоҳбекат, халқаро автовокзал, шаҳарда ва магистраль йўлларда жойлашган 930 та бекатнинг фаолиятини қайта тиклаш, уларда жойлашган савдо дўконларини бошқа жойга кўчириш масаласи ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

**Ўтган йили "Гулобод эко агро логистика маркази" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги бозорга қарашли ветеринария–санитария экспертиза таҳлилхонасида ўтказилган текширувлар натижасида Эрондан келтирилган 2 тоннага яқин тарвуз сифатсиз деб топилиб, йўқ қилинган. Бу ҳақдаги хабарлар ижтимоий тармоқларда тарқалиб, кенг муҳокама қилинганди.**

# Улгуржи бозорда 130 тонна сифатсиз маҳсулотлар йўқ қилинди



Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи савдосига мўлжалланган ушбу бозорда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, ҳориждан келтирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотилади.

- Бозорда харидорлар ва сотувчилар учун етарли шароит яратилган, - дейди лаборатория мудири Рафиқ Ҳотамов. – 10 гектардан зиёд майдонни ўз ичига олган бозор ҳудуди асфальтланган. Узоқдан келганлар учун 80 ўринли меҳмонхона мавжуд. Бозорда хавфсизликни таъминлаш учун 100 та видеокузатув мосламаси ўрнатилган. Биз фаолият олиб борадиган таҳлилхона бозор маъмурияти томонидан, яъни тадбиркорлар Шавкат ва Тоҳир Шариповлар ташаббуси билан ташкил этилиб, 20 дан ортиқ замонавий ускуналар келтирилган. Масалан, 1600 марта катталаштириб кўрсатадиган электрон микроскоплардан фойдаланяпмиз. Бу ерда 6 нафар олий маълумотли мутахассис фаолият олиб боради.

2022 йил 1 июнь ҳолатига 22 миллион тоннага яқин мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари лаборатория текширувидан ўтказилиб, 130 тоннадан зиёд маҳсулот сифатсизлиги учун сотилишига йўл қўйилмади.

- Ўтган йили Эрондан келтирилган тарвузларнинг сотилишига йўл қўймаганимиз шов-шувларга сабаб бўлганди, - дейди Рафиқ Ҳотамов. – Ўша тарвузларда нитрат миқдори меъёридан ортиқ бўлгани учун далолатнома тузган ҳолда йўқ қилинган эди. Бозоримиздан барча шаҳар ва туманлар, ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам харидорлар маҳсулот сотиб олади. Нитрат миқдори кўп бўлган маҳсулотлар эса саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бозорда сотиладиган маҳсулотларни лаборатория текширувидан ўтказмасдан сотилишига йўл қўймаймиз. Сифатсиз деб топилган маҳсулотларни йўқ қиламиз.

Ҳа, мазкур лаборатория ходимлари чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Улар вилоятимиздаги бошқа бозор таҳлилхоналари билан ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйиб, тажриба алмашишга тайёр эканликларини айтишди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Ҳусан ЭЛТОЕВ (сурат).**

**Сўранг, жавоб берамиз**

# Дафтардаги ёшлар қандай имтиёзларга эга?

*- Моддий аҳволи қийин ёшларга қанча миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади?*



- Моддий аҳволи қийин ёшларга бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинлашнинг аниқ миқдори ёшнинг ҳаётий вазияти мураккаблигини инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўланади.

Бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётий мураккаб вазиятга тушган ёшларга;

боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз ёшларга;

I ва II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;

қарамоғида ногирон бола бўлган ёш оила (эр-хотиннинг бири)га;

ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онаси ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;

табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаёти, соғлиғи, мулкига зарар етган ёшларга тайинланади.

Мураккаб ҳаётий вазиятга тушган бошқа тоифадаги ёшларга, асослантирувчи сабаблари мавжуд бўлганда, секторлар раҳбарларининг хулосаларига асосан Васийлик Кенгаши қарори билан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Шахсга бир марталик моддий ёрдам берилиши уни "Ёшлар дафтари"дан чиқаришга асос бўлмайди.

Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир маротаба берилади.

**Саволга вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ориф МУҲАММАДИЕВ жавоб берди.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## Марат ХАЛИЛОВ



Ўзбекистон "Veteran" жангчи фахрий ва ногиронлар бирлашмаси вилоят бўлими аъзоси, тажрибали ёшлар мураббийи Марат Халилов 61 ёшида вафот этди.

М.Халилов 1961 йилнинг 20 апрелида Каттақўрғон тумани Пайшанба қишлоғида туғилди. 1979 йилда ўрта мактабни битириб, ҳарбий комиссариат қошидаги ҳайдовчилик курсида ўқиди. Тақдир тақозоси билан 1980 йилда Афғонистонга ҳарбий хизматга чақирилди. Икки йил давомида йигитлик бурчини ўтаган Марат ўнлаб жанговар ҳаракатларда иштирок этди. Жанггоҳларда қанчадан-қанча қуролдошларини йўқотди. Ҳеч қачон жароҳатланган дўстларини ташлаб кетмасди. Ўзи ҳам бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди. 1982 йилда соғ-саломат Каттақўрғонга қайтиб келиб, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. Талабалик йилларида ҳам ташкилотчилиги билан ажралиб турарди. Нафақат дўстлари, балки ўқитувчилари ҳам уни ҳурмат қиларди.

Кейинчалик Самарқанд туризм касб-ҳунар коллежида, шаҳардаги 24-умумтаълим мактабида ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ бериш билан бирга, курс раҳбари, ёшлар мураббийи бўлиб ишлади.

М.Халилов қатор йиллар "Veteran" жангчи фахрий ва ногиронлар бирлашмаси вилоят бўлими раиси ўринбосари, бирлашманинг Самарқанд шаҳар бўлими раиси сифатида меҳнат қилди. Унинг раҳбарлигида урушдан ногирон бўлиб қайтган қуролдош дўстлари, Афғон урушида шаҳид бўлган аскарларнинг оилаларига моддий ва маънавий кўмак берилди.

Марат Халилов дилкаш инсон бўлиб, у ўтирган даврадан хурсандчилик аримасди. Айниқса, қуролдош дўстлари ташриф буюрганида хонадонида байрам бошланиб кетарди. Шунингдек, ўзи яшаган маҳаллада обрў-ҳурматга эга бўлиб, доимо тўй-маъракаларнинг бошида турарди. У катта оилага бош, ўнлаб набираларнинг севимли бобоси эди. Бугунги кунда фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, отасининг ишини давом эттиришмоқда.

Ҳақиқий дўст, ташкилотчи инсон Марат Халиловнинг хотираси оиласи, яқинлари ва дўстлари ёдида мангу қолади.

**"VETERAN" ЖАНГЧИ ФАХРИЙ ВА НОГИРОНЛАР БИРЛАШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ.**


# "САЙЁР ҚАБУЛ" ЎТКАЗИЛАДИ!

**"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан, жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Сайёр қабул" ўтказилишини маълум қилади. Бунда сиз банк соҳасига тааллуқли масалалар ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бизнес ғоялар асосида бизнес лойиҳаларни тузиш ва улар асосида кредитлар ажратилиши тартиби бўйича бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиб, амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳатлар ва амалий ёрдам берилади.**

## "САЙЁР ҚАБУЛ" ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ:

| Т/р | Ҳудуд ва филиаллар номи | Учрашув ўтказиладиган жой | Учрашув ўтказиладиган сана | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 05.08.2022 й. | 14.09.2022 й. | 10.11.2022 й. | |
| **М.Э.Буранов – бошқарма бошлиғи** | | | | | | |
| 1 | Жомбой | Банк биноси | Соат 10:00 да | | | |
| 2 | Ҳудудий | | | Соат 10:00 да | | |
| 3 | Тойлоқ | | | | Соат 10:00 да | |
| **Т.Т.Сафаров – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 18.07.2022 й. | 19.08.2022 й. | 16.11.2022 й. | 15.12.2022 й. |
| 1 | Каттақўрғон | Банк биноси | Соат 10:00 да | | | |
| 2 | Булунғур | | | Соат 10:00 да | | |
| 3 | Қўшработ | | | | Соат 10:00 да | |
| 4 | Сиёб | | | | | Соат 10:00 да |
| **М.Ж.Мавлонов – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 20.07.2022 й. | 08.09.2022 й. | 16.11.2022 й. | 06.12.2022 й. |
| 1 | Нарпай | Банк биноси | Соат 10:00 да | | | |
| 2 | Пайариқ | | | Соат 10:00 да | | |
| 3 | Ургут | | | | Соат 10:00 да | |
| 4 | Самарқанд | | | | | Соат 10:00 да |
| **А.Н.Бабаев – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 22.07.2022 й. | 14.08.2022 й. | 20.10.2022 й. | |
| 1 | Пахтачи | Банк биноси | Соат 10:00 да | | | |
| 2 | Гўзалкент | | | Соат 10:00 да | | |
| 3 | Иштихон | | | | Соат 10:00 да | |
| **А.М.Ахадов – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 20.07.2022 й. | 21.09.2022 й. | 12.10.2022 й. | |
| 1 | Нурobод | Банк биноси | Соат 10:00 да | | | |
| 2 | Оқдарё | | | Соат 10:00 да | | |
| 3 | Паст Дарғом | | | | Соат 10:00 да | |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: +99866-229-55-11, 229-54-67.**
**"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти бошқармаси маъмурияти.**



**"Best Realtor" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали томонидан 2022 йил 12 июлда ўтказилган**

## АУКЦИОН САВДОСИ НАТИЖАСИ:

«SAMARQAND DORI-DARMON» акциядорлик жамиятига қарашли Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 136-уйда жойлашган, умумий майдони 1365,46 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 825,15 кв.м., фойдали майдони 792,85 кв.м.ни ташкил этган 15-сонли марказий дорихона бинолари. Бошланғич баҳоси 1 000 000 000 сўм, сотилиш баҳоси 1 040 000 000 сўм.

**ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**


**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сотувчи Саидганиева Мухиба номидан ишончнома асосида Саидганиев Асрорхон сотиб олувчи Давронов Дилшод Меликовичлар ўртасида Самарқанд шаҳар «Самарқанд Сиёб Савдо» ДУК ҳудудида жойлашган савдо дўкони (умумий ер майдони 24,0 м.кв. қурилиш тагидаги майдони 24,0 м.кв.) учун «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Самарқанд филиалида 62-сонли баённома асосида 2014 йил 6 мартда тузилган кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси ҳамда ушбу савдо дўкони учун Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан 2015 йил 6 августда берилган 185 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов таваллудининг 170 йиллиги олдидан

# Самарқандлик “Шашмақом” устаси



**Машҳур ҳофиз, “Шашмақом”нинг етук билимдони, созанда ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов соҳир овози, бетакрор қўшиқлари билан санъат оламида ўчмас из қолдирди.**

Абдулазиз Абдурасулов 1852 йилда Самарқанд шаҳрининг Кўк Масжид гузарида Абдурасул косиб хонадонида дунёга келди. Бўлажак ҳофизнинг отаси мусиқага ҳавасманд бўлиб, дўмбирада қўшиқлар хиргойи қиларди. Ёш Абдулазиз илк мусиқа сабоқларини отасидан олди. У Умар Хайём, Хўжа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил ғазалларини ёд олди. Уста Абдурасул ўғлини 6-7 ёшга етганда эски бошланғич мактабга, уни тамомлагач, Самарқанддаги мадрасалардан бирига беради.

Абдулазиз мусиқа бобидаги жиддий сабоқларни ўша даврдаги машҳур сурнайчи Мирзо Меҳтардан олди. Ҳожи Раҳмонқулдан танбур чертишни, Борухи Калхакдан ашула йўлларини ўрганди. Шу тариқа устозлари Абдулазизни “Шашмақом” оламига олиб кирди.

Абдулазиз Абдурасулов ҳаж сафарида бўлди ва ушбу сафар давомида Гвинея, Гана, Уганда, Нигерия каби Африка давлатларида, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Туркияда бўлиб, бу халқларнинг санъати билан танишди ва эшитганлари асосида куй-қўшиқлар яратди. У “Шашмақом”ни мукаммал ўрганиш мақсадида Бухорога бориб, “Шашмақом” билимдони Ота Жалол Носировдан уни тўлиқ ўрганди.

Бу пайтгача “Шашмақом” танбурда ижро этилар эди. Моҳир хонанда ва созанда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов “Шашмақом”ни биринчи бўлиб дуторда ижро этди. 1933 йил Тошкентда санъаткорларнинг биринчи анжумани бўлиб ўтади. Анжуманга Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ҳам таклиф қилинади. Бу вақтда машҳур ҳофиз 80 ёшда эди. Анжуман тугагач, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловга “Ўзбекистон халқ ҳофизи” унвони берилди.

Бугунги кунда ҳофиз яшаган уйда унинг уй-музейи ташкил этилган. Бундан мақсад ҳофиз қолдирган мусиқий меросни авайлаб-асраш, уни келгуси авлодга мукаммал етказиш, шу асосда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ижоди мисолида Самарқанд заминида яратилган бебаҳо мусиқа санъати дурдоналарини жаҳон аҳлига намойиш этишдир.

Музейга киришда Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловга бағишланган мармар лавҳа ўрнатилган. Ҳовлида “Шашмақом”нинг олти бўлимига бағишланган стенд, буюк санъаткорнинг ҳаж сафари акс этган харита бор. Буюк санъаткор яшаган биринчи хонада унинг фарзандлари ва оила аъзоларининг фото суратлари ҳамда музейга оид экспонатлар жой олган. Иккинчи хона устозлари, замондошлари, шогирдлари ва ўша давр акс эттирилган экспонатлар билан жиҳозланган.

Бугунги кунда музей санъатсевар сайёҳларнинг янги манзилларидан бирига айланган. Келгусида Самарқанд сайёҳлик йўналишига музей ҳам киритилса, айни муддао бўларди. Қолаверса, мусиқа ва санъат мактаблари, хусусан, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги ихтисослаштирилган санъат мактаби, СамДУ санъатшунослик факультети, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят маданият бошқармаси раҳбарияти ушбу музей билан ҳамкорликни йўлга қўйса, музейда маданият ва санъат намояндалари билан мулоқотлар қилинса, улуғ ҳофиз мероси чуқур тадқиқ этиларди.

**Аҳмат РАХМАТОВ,**
**Абдураҳмон МУРОДОВ.**

**30 июнь куни “Янги Ўзбекистон” боғида Президентимиз иштирокида ўтган учрашувда қатнашдим. Учрашув ҳаяжон ва таассуротларга бой бўлди. Янги боғда ташкил этилган концерт дастури ёшларга кўтаринки кайфият улашиш билан бирга, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошларим билан танишиш имконини яратди.**

Президент билан учрашувдан сўнг

# “Янги Ўзбекистон” боғидан янги ғоялар билан



Юртбошимиз нутқи барча ёшлар қатори, менда ҳам келгуси режаларга қанот бағишлади. Маърузада ёшлар манфаати ва келажагига дахлдорлик нуқтаи назаридан эълон қилинган янги имкониятлар миллионлаб ёшларимиз, халқимиз томонидан олқишланди.

Июнь – биз ёшлар учун ҳаётимиздаги энг қувончли, орзиқиб кутадиган ой. Беш йилдирки, бу ойни - “Ёшлар ойлиги” сифатида кенг нишонлаяпмиз. Бу йил ҳам ўзгача тараддуд билан кутдик. “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестиваллар турли танловлар, баҳс-мунозаралар, кўргазмали чиқишлар ва спорт мусобақалари билан эсда қолди. Айниқса, Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ўтказилган мусобақалар ўғил-қизларимиз, айниқса, уюшмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришда жуда қўл келди. Президентимиз ҳам учрашувда Беш ташаббус олимпиадаси маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизларни бирлаштирганини таъкидлаб, энди бу мусобақани ҳар йили икки маротаба ўтказишни ҳамда ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда спорт жамоалари тузишни таклиф қилди.

Президентимиз ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида “Ёшлар дафтари”да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар энди 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилиши ҳамда имтиёзлар сони ҳам ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилишини таъкидлади.

Ёшлар куни арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ, илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган бир гуруҳ ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан ҳам 4 нафар йигит-қизнинг борлиги ёшларимиз учун қувонарли бўлди.

Аҳамиятлиси, ушбу мукофотлар давлатимиз раҳбари томонидан топширилди. Тўғриси, жараённи кузатиб, ўша онда мен ҳам тақдирланганлар орасида бўлишни хоҳладим. Албатта, бундай бахтга эришиш учун фақат орзу қилишнинг ўзи камлик қилади. Лекин олдимга мақсад қўйдим - мен ҳам ўз устимда астойдил ишлаб, Президентимиз қўлларидан мукофот оламан.

**Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.**

# Дабусия ёдгорлигида мудофаа девори топилди

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ўқитувчи, талабалари ҳамда Самарқанд археология институти илмий ходимлари Марказий Осиёдаги йирик ва муҳим тарихий минтақа ҳисобланган Дабусия ёдгорлигида археологик қазишма ишларини олиб бормоқда.

Қалъанинг шаҳристон қисмидаги қазишмалар натижасида қалинлиги 2-4 метрли мудофаа девори мавжудлиги аниқланди. Очиб ўрганилганда, тураржой ўринлари, сомонийлар ва қорахонийлар даврига оид бўлган танга-пуллар топилди.

- Дабусия ёдгорлигининг устки қисмида металл ва тошқуролнинг қайд этилиши ўрта асрларда бу кўҳна кентда нафақат кулолчилик ва ҳунармандчилик, балки металсозликнинг ҳам ривожланганлигидан гувоҳлик беради, - дейди университет докторанти, экспедиция аъзоси Акбар Назаров.

- Шунингдек, Дабусияда йигирмадан ортиқ бадраф ўринлари (ҳожатхона) ҳам аниқланди. Бу ўрта асрларда Суғдда гигиенага алоҳида эътибор берилганлигини англатади.

Айни кунда экспедицияга университет ўқитувчиси, Самарқанд археология институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов раҳбарлик қилмоқда.

**Отабек САЪДУЛЛАЕВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ахборот хизмати ходими.**

Президент қарорига кўра

# Самарқандда қўл жанги бўйича халқаро турнир ўтказилади

Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 июндаги “Қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида маълум қилинди.

Қарорга кўра, қўл жанги спорт турини аҳоли, айниқса, ёшлар, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида янада оммалаштириш, соҳа учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрлар, тренерлар ва ҳакамлар тайёрлашга бўлган эътибор янада кучайтирилади.

Хусусан, 2023 йилдан бошлаб қўл жанги бўйича ҳар йили Тошкент шаҳрида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган Қуролли Кучлар чемпионати ҳамда ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар хотирасига бағишланган Хотира турнири ташкил этилади.

Шунингдек, Наманган шаҳрида ҳар йили профессионал спортчилар ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги” ҳамда ҳар икки йилда бир маротаба Қарши, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ёшлар ўртасида “Амир Темур кубоги” халқаро турнири ўтказилади.

Бугунги кунда вилоятимизнинг 9 та болалар-ўсмирлар спорт мактабида қўл жанги бўлимлари мавжуд. Улар орасидан халқаро турнирга мос ҳудуд танланиб, ушбу муассаса қўл жанги бўйича спорт базасига айлантирилади.

**Аҳрор ШАМСИЕВ,**
**вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи.**

# Олим, беназир инсон

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси профессори, биология фанлари доктори, беназир олим Зувайд Иззатуллаев муборак 79 ёшни қарши олмоқда.**



У 1943 йилда Оқдарё тумани Даҳбед қўрғонида таваллуд топди. 1959 йилда ўрта мактабни кумуш медал билан тамомлаб, хўжалик ишчиси сифатида меҳнат қилди.

Бир йилдан сўнг Тожикистон давлат университетининг табиатшунослик факультети талабаси бўлди. Университетни муваффақиятли тамомлагач, ҳарбий хизматни ўтади. Тожикистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти аспиранти сифатида ўқишни Россия ФА Зоология институтида (Санк-Петербург) давом эттирди.

З.Иззатуллаев 1970 йилда мазкур институтнинг илмий кенгашида номзодлик, 1988 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилгач, бутун умрини илм-фанга бағишлади. Устоз Марказий Осиё моллюскаларининг келиб чиқиши, тарқалиши, эколого-зоогеографик жиҳатларини синчиклаб ўрганди ҳамда бу борада илмий адабиёт, дарсликлар яратди, кўплаб шогирдлар тайёрлашга муваффақ бўлди.

Эътиборли томони шундаки, устоз илк бор минтақада моллюскаларнинг санитар аҳамиятини асослаган ҳолда уларни 100 дан ортиқ янги турлари, авлодлари ва кенжа оилалари билан бойитди. Натижада моллюскаларнинг ўнга яқин тури устоз номи билан аталди.

Профессор З.Иззатуллаевнинг илмий фаолияти қишлоқ хўжалиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Бу борада у ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ветеринария соҳалари ходимларига зарарли моллюскаларга қарши кураш бўйича яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Унинг кўп йиллик (1967-2012) изланишлари ўлароқ “Ўрта Осиё ва ёндош минтақалар зилол сув ҳавзаларида яшовчи моллюскалар”га бағишланган монографияси, илмий ишлари фундаментал китоблар, Ўзбекистон ва Тожикистон қобусномалари, “Қизил китоб”лар ва мактаб дарсликларига киритилган.

Олим 440 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ва оммабоп мақолалар муаллифи ҳисобланади. Илмий ишлари нафақат ҳамдўстлик давлатлари, балки чет эл ва халқаро тўпламларда ҳам эълон қилинган. У МДҲ, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания ва АҚШ давлатларида илмий сафарлардан ташқари, ЮНЕСКО (Душанбе 1991) симпозиумида ҳам фаоллик кўрсатган.

Устоз 1996-2011 йиллар мобайнида университетнинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш кафедраси мудири сифатида фаолият олиб борди.

Профессор З.Иззатуллаев юқоридаги хизматлари боис Турон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия Табиий фанлар академиясининг “Хизмат кўрсатган фан ва техника фахрий арбоби” бўлган. Россия халқаро кўргазмасининг “Александр Македонский” ва Россия Табиий фанлар академиясининг Н.И.Вавилов медаллари билан тақдирланган.

Устоз Зувайд Иззатуллаев университет жамоаси ва талабалари орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор, чин маънодаги зукко, камтарин ва фидойи зиёлилардан саналади.

Устозга оилавий бахт, узоқ умр, фарзанду набиралар камолини кўришни тилаймиз.

**Эргаш ҚОБИЛОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**
**Хидирали БОТИРОВ,**
**профессор.**

Ёнимиздаги одамлар

**Қаҳрамонимиз Достон Ишанов Каттақўрғон шаҳрида туғилган. 19 ёшда бўлишига қарамай, IT ва робототехника соҳасида бир нечта стартап лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб, вилоят, республика ва халқаро танловлар ғолиби бўлган.**

# ОЙИГА 1000 ДОЛЛАР ТОПАЁТГАН ТАЛАБА



- Ёшлигимдан робототехника ва электрон ўйинчоқлар ясашга қизиқардим, - дейди Достон. – Отам истеъдодимни кўриб, 2016 йилда робототехника тўгарагига олиб келди. У ерда IT ва робототехника мутахассиси Асад Дониёровга шогирд тушиб, у кишидан турли йўналиш ва соҳаларда роботлар ва электрон ўйинчоқлар ясашни ўргандим ва турли танловлар ғолиби бўлдим. 2020 йил Каттақўрғон шаҳридаги IT марказда робототехника йўналишида дарс беришни бошладим. Ўтган йил январь ойида робототехника бўйича тажрибамни ошириш мақсадида Самарқанд IT-Park филиалида таҳсил олдим ва уч ой ўтгач, илк стартап лойиҳамни ишга туширдим.

Ёш мутахассис робототехника йўналишида “Ўзбекистон учун 100 ғоя” танловида ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, топ-10 таликка кирди. У ўзининг Smart World Accyess Technology лойиҳасини ишга туширди ва унинг раҳбарига айланди. Ҳозирда Достон 14 кишидан иборат жамоа билан ахборот технологиялари, робототехника, мехатроника, схемотехника, дастурлаш ва 3D моделлаштириш йўналишларида “Alko tester”, “Yuqori texnologiyalar muzeyi”, “Utility SS99 robot”, “Aqlli hassa”, “Arm Robot”, “Gaz detektori”, “Gid robot”, “Robot lab”, “Suv osti roboti”, “I.B.K uz”, “Women Union” каби янги стартап лойиҳалар устида ишламоқда.

- “Alko tester” лойиҳасининг умумий қиймати 500 миллион сўм, - дейди Достон Ишанов. – Қурилма инсоннинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ёки қилмаганини ваучерда аниқ кўрсатади. Бу лойиҳа кўпроқ йўл-патруль хизмати ходимларига жуда асқотади. “Imkoniyat Baxt Kelajak uz” лойиҳасининг қиймати эса 370 миллион сўм бўлиб, имконияти чекланган ёшларга мўлжалланган. Бу платформа орқали фан, таълим йўналишидаги топшириқлар, дастурлаш машғулотлари виртуал лабораторияда интернет орқали бажарилади.

Эътиборлиси, Достон Ишанов Хитойда WUXI университетининг иккинчи босқичида таҳсил олиш билан бирга, IT-Park Самарқанд филиалида робототехника бўйича 50 нафардан ортиқ ёшларга ва тенгдошларига дарс бермоқда. У мураббийлик билан бирга, лойиҳалар устида меҳнат қилиб, ойига 1000 доллар пул топади.

- IT соҳасида янги дастурлар ва робототехниканинг яратилмаган типларини ихтиро қилишни мақсад қилганмиз, - дейди Достон. – Билганларимни тенгдошларимга, ёшларга ўргатяпман, устозлардан маслаҳат олиб, лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

Дарвоқе, ёш мутахассис робототехника йўналишида техник ижодкор ёшлар ўртасида ўтказилган “Carnaval of Robotic”, “Spotlight Digital Challenge” халқаро танловлар иштирокчиси ва ғолиби, энг яхши ғоя муаллифи, “The best”, Robot-2021” республика кўрик-танловлари совриндори бўлган. Достон жорий йил робототехника йўналишида Туркияда бўлиб ўтадиган Technofest-2022 халқаро танловида иштирок этади.

**Фазлиддин ФАХРИДДИНОВ.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**15 ИЮЛЬ**

**Иноятулла СУВОНҚУЛОВ** - (1934-2012) Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

**Зулфия МЎМИНОВА** - 1959 йилда Нарпай туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

**18 ИЮЛЬ**

**Розия ТОЖИЕВА** – 1973 йилда Паст Дарғом туманида туғилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.

Газетанинг навбатдаги сони 2022 йил 16 июль, шанба куни чоп этилади.

MATBUOT UYI Zarafshon Самаркандский вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 478 nusxada chop etildi. Buyurtma 450. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: X.ERNAZAROVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o‘tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda